



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДАГИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР

С.С.Аслонов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси З - ўқув курси 311 - гуруҳ курсанти

Аннотация: Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар жадал ошиб бораётганини шу билан биргаликда уларга маъсул шаҳсларга эътибор каратилиши ва таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицеидаги таълим олаётган ёшлиарни назоратини амалга оширишини такомиллаштириши белгиланган

Калит сўзлар : вояга етмаган шаҳс, назоратсизлик, таълим муассасалари, маҳалла посбони, Ота-оналар университетлари.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ваколатлари ва бошқа бир қатор масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Шунингдек, таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиши вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитларини назорат қилиш вазифалари, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳамда таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд муентазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш, уларнинг умумий ўрта ва ўрта маҳсус,



касб-хунар таълим олишига доир чора-тадбирларни қўриш чоралари мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги” қонуннинг 19-моддаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасидаги иштирокига бағишлиланган бўлиб, унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатлар билан бир қаторда вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оиласаларга ёрдам кўрсатади, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”¹ ги қонуни 30-моддасида “Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар” деб белгилаб қўйилган.

2014 йилнинг 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”¹ ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуннинг 21 - моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки назарда тутилган бўлиб, унинг бир банди сифатида ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга ошириш белгиланган. Янги қонунда ҳам фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳудудий профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолияти, қолаверса, улар ўзаро ҳамкорлиги нихоятда муҳим эканлиги ўз ифодасини топган.

¹ <https://lex.uz/docs/5013007>, Ўзбекистон Республикасининг Таълим Тўғрисида Қонуни f999



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолият кўрсатади. Мазкур тузилманинг асосий мақсади мамлакатимизда тинчлик, осойишталиқ, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларда огоҳлик ва ҳушёrlикни ошириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги ҳамкорликдаги ишларни тизимли ташкил этишга кўмаклашишдан иборат.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси уйма-уй юриб, оиласарга, хонадонларга кириб, мавжуд муаммоларни аниқлаш асосида ундаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганади. Ушбу ишларни амалга ошириш ва аниқланган муаммоларни бартараф этишда улар ҳудуддаги таълим муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оиласий поликлиникалар, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ва бошқа ваколатли органлар ходимлари билан ҳамкорлик қилади.

Фуқаролар йиғинининг² Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича Комиссияси фаолиятининг асосий мақсади - ҳудуддаги вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий етук бўлиб вояга этишларига, оммавий равишда спорт билан шуғулланишларига, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашишдан, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Бугунги кунда маҳаллаларда “Ота-оналар университетлари” жамоатчилик тузилмалари ташкил этилган бўлиб, унда маҳаллада истиқомат қилаётган ота-оналар, ёш келин-куёвлар, оила қуриш бўсағасида турган ёшлар иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар олиб борилмоқда. Бу эса, баркамол авлодни тарбиялаш, умуман ёшлар тарбиясида муҳим натижаларни беради. Жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликка ва бошқа салбий ишларга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар ва ёшларни доимий назоратимизда сақлаш учун уларнинг ҳаёт тарзини, қизиқишлигини кузатиб боришимиз зарурат туғилса мутахассислар ёрдамидан ҳам фойдаланишимиз зарур.

² <http://uchildiz.uz/маҳаллада-ота-оналар-университети>



Шунингдек, вояга етмаган ёшларни кузатиб бориши ва уларнинг мойиллигига қараб, қуийидагича гурухларга ва якка тартибда ишларни ташкил қилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ҳуқуқбузарликка мойил бўлган вояга етмаган ёшлар тўғрисида маълумотларни йиғиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш.
2. Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаган ёшлар тўғрисида маълумотларни тўплаш.
3. Профилактик ҳисобда турган вояга етмаган ёшлар тўғрисида маълумот тўплаш.
4. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаган ёшлар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш.
5. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган вояга етмаган ёшлар ҳақидаги маълумот эга бўлиш.
6. Жиноят содир этиш ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган вояга етмаган ёшларни ўз ичида тоифаларга ажратиб олиб, улар билан якка тартибда (индивидуал) ишлаш³.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллаларда вояга етмаган ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аскарова, Ш. М. (2018). СТРАТЕГИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ. In ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ТЕОРИЯ, МЕТОДОЛОГИЯ, ПРАКТИКА (pp. 62-66).
2. Якубов, М. С., & Аскарова, Ш. М. (2022). Особенности Использования Информационных Ресурсов Интернета. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 4, 10-16.
3. Sultaniyazovich, Y. M., & Muhammadalievna, A. S. (2022). CURRENT STATE OF USE OF INFORMATION RESOURCES OF THE INTERNET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(3), 169-175.
4. <https://scholar.google.com/citations?user=LceKUUYAAAAJ&hl=ru>

³ <https://api.moiti.uz/media/book/> Ота-оналар_университети_3.pdf



5. Аскарова, Ш. М. (2018). ИННОВАЦИОННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ В ОБУЧЕНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ ПРЕДМЕТОВ. In Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018) (pp. 1221-1225).
6. Askarova, S. M. (2022). Talabalarning mediamadaniyatini rivojlantirish dolzarb pedagogik muammo sifatida. Academic research in educational sciences, 3(6), 1067-1071.